



ИЖРО ИШИ ЮРИТИШДА УНДИРУВНИ КРИПТО-АКТИВЛАРГА ҚАРАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Содиқов Бахром Холматович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси бўлим бош инспектори, Ўзбекистон
Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси “Прокурорлик
фаолияти” йўналиши тингловчиси
E-mail: nozimjonjabborov82@bk.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12155618>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-June 2024 yil
Ma'qullandi: 15- June 2024 yil
Nashr qilindi: 19- June 2024 yil

KEY WORDS

крипто-актив, ундирувни
крипто-активларга қаратиш,
муаммо, ечимлар,
такомиллаштириш
истиқболлари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада крипто-активлар тушунчаси, ривожланиш тарихи, ижро иши юритишда ундирувни крипто-активларга қаратишнинг юридик табиати, Ўзбекистонда крипто-активлар соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш босқичлари, ижро иши юритишда ундирувни крипто-активларга қаратишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, ижро иши юритишда ундирувни крипто-активларга қаратишни такомиллаштириш истиқболлари, крипто-активлар соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдаги муаммолар, илғор хорижий тажрибани миллий қонунчилигимизга татбиқ қилиш, ундирувни крипто-активларга қаратиш тизимини такомиллаштириш масалаларига оид таклифлар ўрин олган.

Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини мажбурий ижро этиш алоҳида ўрин касб этмоқда. Қарор ижроси таъминланмас экан, чиқарилган суд қарорлари ўз моҳиятини йўқотади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида суд қарорларини ижро этишнинг муқобил усулларини жорий этиш ва ривожлантириш белгиланган.

Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида мажбурий ижро органлари фаолиятига халқаро стандартларни босқичма-босқич жорий этиш, давлат ижрочилари иш юкласини камайтириш вазифалари белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 январда қабул қилинган ПФ-1-сонли Фармонида Мажбурий ижро бюросининг тузилма ва вазифалари мажбурий ижро тизими ривожланишининг замонавий талаблари ва жаҳон тенденцияларига тўлиқ жавоб бермаслиги, суд ҳужжатларини ижро этишдан ҳар қандай бўйин товлашнинг олдини олишга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва янада такомиллаштириш, соҳани рақамлаштириш зарурлиги қайд

этиб ўтилди. Бу эса ўз навбатида, суд қарорларини ижро этишни ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни, соҳада юзага келаётган муаммоларнинг сабаблари ва уларни келтириб чиқараётган шарт-шароитлар ҳамда уларни бартараф этиш чораларини ўрганишни, шу жумладан замонавий тенденцияларни ўрганиб бориш, вужудга келаётган янги активларга ундирувни қаратиш учун ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Сўнгги йилларда крипто-активлар дунё молия тизимининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам иқтисодийнинг рақамли секторини, маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари ва крипто-активлар соҳасини ривожлантириш, уларга оид норматив-ҳуқуқий база шакллантириш чоралари кўрилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, **крипто-актив** – маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган, қиймати ва эгасига эга мулк ҳуқуқ.[1]

Блокчейн (блоклар занжири) – тақсимланган маълумотлар тўплами бўлиб, унда маълумотлар сақлаш қурилмалари умумий серверга уланмаган бўлади. Бу маълумотлар тўплами блоклар деб аталадиган тартибга солинган қайдлар доимий ўсиб борадиган рўйхатида сақланади. Ҳар бир блок вақт белгисига ва бундан олдинги блокка ҳаволага эга бўлади.

Крипто-активлар ҳолатида калитлар тўғридан-тўғри молиявий қийматни ифодаладиган валютадаги айрим суммалар сақланадиган манзилларга уланиш учун фойдаланилади. Бу билан маблағларни ўтказишни қайд қилиш функцияси амалга оширилади.

Бундан ташқари, яна бир муҳим функция - ишончли муносабатлар ўрнатиш ва шахснинг аслигини тасдиқлаш амалга оширилади, чунки мос келувчи калитларсиз блоклар занжирини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Бу калитлар билан тасдиқланмаган ўзгаришлар рад қилинади.

Блокчейн технологиясининг муҳимлиги нимада? Бугунги кунда биз марказлашган интерактив интернет платформаси орқали ахборотни бўлишишга кўникиб қолганмиз. Бироқ гап моддий бойликларни ўтказиш ҳақида борганда биз одатда марказлаштирилган молиявий муассасалар (банклар) хизматларидан фойдаланишга мурожаат қиламиз. Интернет орқали тўловлар усуллари амалда бу тармоқ дунёга келган пайдо бўлган, бироқ улар, қоидага кўра, банк ҳисоб рақами ёки кредит картаси билан интеграция талаб қилади.

Блокчейн технологияси «ортиқча бўғин»дан халос бўлишга имконият яратади ва анъанавий равишда молиявий хизматлар сектори бажарадиган уч муҳим ролни ўз зиммасига олиши мумкин: битимларни рўйхатдан ўтказиш, шахс ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва шартномалар тузиш.

Бу улкан аҳамиятга эга бўлади, чунки бутун дунёда молиявий хизматлар бозори - бозор капиталлашуви бўйича энг катта бозордир. Бу тизимнинг ҳеч бўлмаса бир қисмини блокчейн технологиясига ўтказиш молиявий хизматлар соҳасида кўп сонли узилишларга олиб келади, лекин шу билан бир пайтда, бундай хизматлар самарадорлигини сезиларли оширишга имкон беради.

Криптоактив бирон жойда файлда сақланмайди; у блокчейнда ёзилган

транзакциялар билан ифодаланади. Ҳар қандай блокчейн, тақсимланган ҳисобланади: у бутун дунё бўйлаб қурилмаларда ишлайди, шундай экан, унда бузиб кириш мумкин бўлган маълумотлар марказий тўплами йўқ.

Блокчейн шифрланган: унда виртуал хавфсизликни таъминлаш учун оммавий ва хусусий калитлар (банк ячейкаси учун иккита калит тизими каби) қўлланадиган кучли шифрлаш тизими фойдаланилади.

Крипто-активлар киска муддат давомида молия бозорининг ажралмас қисмига айланиб, ривожланишида бир нечта омиллар йиғиндиси сабаб бўлган.

1. Номарказлашув. сунгги йилларда марказлашган тизимларга (банк, тўлов тизимлари, давлат институтлари) нисбатан пайдо бўлган ишончсизлик. Крипто-активлар марказлашган тизимлардан фарқли равишда марказий органларни назоратини четлаб ўтиб, қимматликларни ўзаро алмашиш ва сақлаш имконини беради.

2. Блокчейн технологияси. блокчейн технологиясини пайдо бўлиши марказлашган серверлар ёки воситачиларсиз хавфсиз ва очиқ-ойдин транзакцияларни амалга ошириш имконини берди.

3. Қонунчилик. Қўлаб давлатларда крипто-активлар фаолияти билан боғлиқ қонунчилик мавжуд эмаслиги, дастлабки босқичда крипто-активлар соҳаси юридик чекловларсиз ривожланишига туртки бўлди.

4. Рақамли трансформация. технологиялар ва интернет билан бирга рақамли алмашинув ҳам ривожланиб борди, крипто-активлар эса молиявий операцияларни ва қимматликларни рақамли форматга ўтказиш ва сақлаш имконини беради.

5. Молиявий инновациялар. 2008 йилда кузатилган молиявий инқироз сабабли, дунёда банк ва молия институтларга бўлган ишонч йўқолди, натижада янги, самарадор моделлар яратиш йўлида крипто-активлар, крипто-валюта биржалари пайдо бўлди.

6. Инновацияларни қўллаб-қувватлаш. Айрим давлатлар крипто-активлар соҳасини фаол қўллаб-қувватлайди, бунда Ўзбекистондаги каби тартибга солиш кумдонлари (regulatory sandboxes) муҳим ўрин тутди, мазкур махсус ҳуқуқий режимларда чекловларсиз ёки минимал чекловлар билан крипто-активлар соҳасида инновацияларни жорий қилиш ва тажрибаларни амалга ошириш имкони мавжуд.

Мазкур бир-бирига боғлиқ омиллар крипто-активлар соҳаси ривожини ва жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллашини таъминлади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб чиқарилган крипто-активларнинг умумий сони 24 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг умумий капитализацияси қарийб 2,14 триллион долларни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5120-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги этиб қайта ташкил этилган. Агентликнинг устувор вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

крипто-активлар айланмаси соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

крипто-активлар айланмаси соҳасида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

крипто-активлар айланмаси соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

давлат бошқаруви ва турли ижтимоий-иқтисодий соҳаларда маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини ва бошқа энг янги технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни ташаббус қилиш ва илгари суришга кўмаклашиш [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3150-сон Қарори билан Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада фаолиятни лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бўйича ваколатли орган этиб белгиланган [3].

Шунингдек, Агентлик суд қарорига асосан давлат фойдасига ўтказилган крипто-активларни Ўзбекистон Республикаси норезидентларига тўғридан-тўғри шартномалар асосида миллий крипто-биржада сотиш кунда шаклланган курс бўйича сотишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги тўғрисида Низом талабларига кўра қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

крипто-активлар айланмаси соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

крипто-активлар айланмаси соҳасида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

крипто-активлар айланмаси соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

давлат бошқаруви ва турли ижтимоий-иқтисодий соҳаларга маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини ва бошқа энг янги технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни ташаббус қилиш ва илгари суришга кўмаклашиш.

Шу билан бирга Агентлик:

крипто-активлар соҳасида қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан жисмоний, шу жумладан, мансабдор шахслардан ёзма тушунтиришлар ва маълумотларни олиш;

крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензия ва рухсат бериш талаб ва шартларига ҳамда крипто-активлар айланмаси соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши борасида текширувлар ўтказиш ва натижаси бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш;

ўз ваколати доирасида крипто-активлар соҳасида қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва судга юбориш;

маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларни жорий этиш ва

крипто-активлар айланмаси соҳаси бўйича халқаро ташкилотларда мамлакат манфаатларини ифода этиш ҳамда белгиланган тартибда ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг ваколатли ташкилотлари, шунингдек, илмий институтлари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Қарори билан крипто-активлар айланмаси соҳасини янада такомиллаштириш бўйича инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли крипто-активларда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, шунингдек, маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш асосий вазифа этиб белгиланди [3].

Шунингдек, ушбу қарор билан қўйидагилар белгиланди:

2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш бўйича операцияларни фақат миллий провайдерлар орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади;

крипто-активлар айланмаси махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ операциялари, жумладан, норезидентлар томонидан амалга ошириладиган операциялар солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди, мазкур операциялар юзасидан олинган даромадлар эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия олган шахслар томонидан ўтказиладиган крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ валюта операцияларига валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нормалари татбиқ этилмайди.

крипто-актив мулкӣ ҳуқуқ ҳисобланиб, маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган қиймати ва эгасига эга;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

майнинг (майнинг бу ҳисоблаш операцияларини бажариш орқали маълумотларнинг тақсимланган реестрини юритиш, блокларнинг яхлитлигини яратиш ва тасдиқлаш фаолиятидир);

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлар (хизматлар провайдерлари жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан уларнинг номидан крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш, сақлаш, чиқариш, жойлаштириш ва бошқариш бўйича хизматлар кўрсатади) фаолияти.

Хизматлар провайдерлари фақат Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — юридик шахслар бўлиб, қўйидаги турларга ажратилади:

крипто-биржа — крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш учун электрон платформани тақдим этувчи ташкилот;

майнинг-пул — майнинг жараёнини таъминлаш мақсадида ҳисоблаш қувватларини бирлаштирувчи электрон платформани тақдим этувчи ташкилот;

крипто-депозитарий — крипто-активларни чиқариш, уларни дастлабки жойлаштириш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот;

крипто-дўкон — крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш юзасидан хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот.

Бундан ташқари, мазкур қарор билан:

хизматлар провайдерларининг устав жамғармасида оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган компанияларнинг иштирок этиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида крипто-активларнинг тўлов ёки тўловни қабул қилиш воситаси сифатида қўлланилиши;

яширин майнингни амалга ошириш (махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш орқали учинчи шахсларнинг ҳисоблаш қувватларида, уларга билдирмаган ҳолда ёки розилигисиз майнингни амалга ошириш бўйича фаолият) ва аноним крипто-активлар майнинг (анонимлик принципи бўйича ишлаётган крипто-активлар) тақиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3926-сон Қарори билан Крипто-активлар айланмаси бўйича фаолиятга ва крипто-биржалар фаолиятига қимматли қоғозлар, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгиланди, Крипто-биржаларга кўрсатилган хизматлар учун, шу жумладан крипто-активлар шаклида мукофот олиш, унинг миқдорини ва уни савдолар иштирокчилари (мижозлар)дан ундириш тартибини белгилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари билан крипто-активларни миллий ва хорижий валютага сотиб олиш ва (ёки) бегоналаштиришга, шунингдек, крипто-активларни бошқа крипто-активларга айирбошлашга қаратилган биржа битимларини ташкил этиш ҳуқуқи берилди [3].

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш – мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шундай экан, ҳозирги кунда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар давомида ушбу соҳада сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда, бу энг аввало қабул қилинаётган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқдир.

Юқорида қайд этилган мақсадларга ҳозирги кунда кенг имкониятлар яратиб бераётган ахборот-коммуникация технологиялари орқали эришиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, “суд қарорларини ижро этиш соҳасидаги бошқарув фаолиятининг асосий мақсадлари – ҳар бир давлат ижрочисининг иш сифатини ошириш, ходимларнинг касбий малакасини ва албатта мажбурий ижро тизими фаолиятини

самарадорлигини оширишдан иборат” .

Суд қарорларининг самарали ижро этилиши ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади, чунки айнан шу орқали ҳуқуқий тартибот ва ҳуқуқий хавфсизлик кафолатланган бўлади.

Суд қарорларининг ўз вақтида ва лозим даражада ижро этилиши ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади ҳамда давлатнинг инвестицион жозибadorлигига ижобий таъсир қилади .

Шу ўринда миллий олимларимиздан М.Қ.Ўразалиевнинг қарашларига кўра, ижро иши юритиш деганда, қонунда белгиланган тартибда ижро ҳужжатида кўрсатилган қарздорга нисбатан ундирувчининг талабини давлат ижрочиси томонидан амалга оширишга қаратилган фаолиятни тушуниш мумкин .

Яна бир олим У.А.Тухташева фикрига кўра, ижро иши юритишнинг моҳияти қонунда назарда тутилган тартибда қарздорга нисбатан ундирувчининг қонуний талабларини қондиришга қаратилган мажбурлов чораларини (мажбурий ижро) қўллашдан иборатдир .

Ижро иши юритишни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун. Ижро иши юритишга асос бўлувчи ҳужжат бу ижро ҳужжатларидир. Улар ижро иши юритишни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида ўз аксини топган.

Шу билан бирга, мажбурий ижрони амалга оширувчи ваколатли органи мавжуд бўлиб, мазкур органга қонунчиликда назарда тутилган вазифалар юклатилган.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш эса, Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюро органлари давлат ижрочилари зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг **48⁸-моддаси**ни қуйидаги мазмундаги норма билан тўлдириш таклиф этилди:

“48⁸.Ундирувни крипто-активларга қаратиш хусусиятлари

Қарздордан топилган ёки аниқланган крипто-активлар дарҳол олиб қўйилиши лозим. Олиб қўйилган крипто-активлар Мажбурий ижро бюроси Активларни ҳисобини юритиш ва бошқариш бўлинмалари крипто-ҳамёнига ўтказилади.

Суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг крипто-ҳамёнида сақланаётган суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида хатланган ва олиб қўйилган, шу жумладан фуқаровий жавобгар томонидан киритилган ёхуд жиноий йўл билан орттирилган маблағлар сифатида олиб қўйилган, шунингдек айбланувчи ёки судланувчи томонидан гаров сифатида киритилган крипто-активлар суд томонидан ижро ҳужжати берилган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай суднинг тегишли қарори талабларини ижро этишга қаратилиши керак.

Давлат ижрочисининг иш юритишида бўлган ижро ҳужжатлари бўйича давлат ижрочиси суриштирув, тергов органларига ёки судга мазкур органларнинг крипто-ҳамёнида вақтинча сақланаётган крипто-активларни уч кунлик муддат ичида Мажбурий ижро бюроси Активларни ҳисобини юритиш ва бошқариш бўлинмалари

крипто-ҳамёнига ўтказиш тўғрисида талабнома юборади.

Крипто-активларни хатлаш вақтида санаси ва вақтини кўрсатган ҳолда уларнинг қиймати миллий валюта ва АҚШ долларида крипто-биржа котировкалари, крипто-биржада айирбошланмайдиган крипто-активлар бўйича эса крипто-активлар билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи платформалардаги нархларга мувофиқ қайд қилинади.

Хатланган крипто-активларни давлат бюджети ҳисобига ўтказиш учун реализация қилиш ёки ўз эгаларига қайтариш ваколатли орган ёки тегишли суднинг қарори асосида Мажбурий ижро бюроси ва Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан амалга оширилади”.

Соҳага оид қонунчиликни комплекс ривожлантириш нафақат ундирувни крипто-активларга қаратишни ривожлантиради, балки қарздор ва ундирувчиларни қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш, суд қарорларини аолатли ва сўзсиз ижро этилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, мажбурий ижро жараёнида ундирувни крипто-активларга қаратишда, халқаро стандартлар ва тавсиялар асосида қонунчиликни ривожлантиришдан ташқари, бир қатор технологик ва ташкилий чора-тадбирлар қўллашни тақозо этади.

Бунда, суд қарорлари доирасида крипто-активларни ҳисобини юритиш ва олиб қўйиш имконини берувчи махсус технологик восита ва платформаларни ишлаб чиқиш, бунинг учун юридик, иқтисод ва ахборот-коммуникация соҳалари мутахассисларини тайёрлаш ва йўналтириш.

Мамлакатимизда криптовалюта бўйича малакали мутахассисларнинг жуда камлиги ва бу соҳадаги тажриба озлигини ҳисобга олган тарзда бу йўналишда малакали мутахассислар тайёрлашни ҳам амалга ошириш замона талаби бўлиб қолмоқда. Бу мақсадда доимий равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида ўқув машғулоти ва тренингларни ташкил этиш лозим

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.08.2022 й., 10/22/3380/0742-сон (National database of legislative information, 15.08.2022, No. 10/22/3380/0742);
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон (National database of legislative information, 29.06.2021, No. 06/21/6252/0617);
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.04.2022 й., 06/22/121/0354-сон (National database of legislative information, 28.04.2022, No. 06/22/121/0354);